



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Юсупов А.Ш.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчиси

Аннотация: Уибұ мақолада тижорат банкларида валюта операцияларини амалга оширишини такомиллаштириш орқали банк операцияларини ривожлантириши, ижтимоий ва иқтисодий шароитларга доимий мослашиш, банк фаолияти учун янги стратегия ва воситаларни ишилаб чиқиши, банклар рискларини самарали бошқарши, муаммоли жараёнларни камайтириши орқали банклар валюта операцияларини ривожлантириши каби бир қанча омилларга bogliqligi keltiriб ўтилган. Шунингдек, бугунги кунда тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантиришнинг долзарблиги шубҳасиздир, чунки мамлакат бутун молия тизимининг муваффақиятли ишилени унга bogliqligi банкларда молиявий қарорлар қабул қилиши ва муаммоли жараёнларни камайтиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: валюта, валюта сиёсати, банк фаолияти, банкларнинг валюта операциялари, молиявий қарорлар, молиявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолиявий активлар, реал активлар, пул маблаглари, банкнинг молиявий стратегияси, банкнинг молиявий хавфсизлиги, банк бошқаруви.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы развития банковских операций через совершенствование осуществления валютных операций в коммерческих банках, постоянная адаптация к социальным и экономическим условиям, разработка новых стратегий и инструментов для банковской деятельности, эффективное управление банковскими рисками, а также развитие валютных операций банков за счёт снижения проблемных процессов. Также подчёркивается актуальность развития деятельности коммерческих банков в настоящее время, поскольку успешное функционирование всей финансовой системы страны зависит от них. В статье приведены существующие проблемы в процессе принятия финансовых решений в банках и авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: валюта, валютная политика, банковская деятельность, валютные операции банков, финансовые решения, финансовые активы, дебиторская задолженность, кредиторская задолженность, нефинансовые активы, реальные активы, денежные средства, финансовая стратегия банка, финансовая безопасность банка, банковское управление.

Abstract: This article discusses the development of banking operations through the improvement of foreign exchange transactions in commercial banks, constant adaptation to social and economic conditions, the development of new strategies and tools for banking activities, effective risk management, and the expansion of currency operations by minimizing problematic processes. Moreover, it emphasizes the relevance of enhancing the performance of commercial banks today, as the successful functioning of the entire financial system of the country depends on them. The article also presents the existing challenges in making financial decisions within banks and offers the author's approaches and recommendations for addressing them.

Keywords: currency, currency policy, banking activity, foreign exchange operations of banks, financial decisions, financial assets, accounts receivable, accounts payable, non-financial assets, real assets, cash funds, financial strategy of the bank, financial security of the bank, bank management.

Кириш

Тижорат банкларининг валюта операцияларини ташкил қилишнинг услубий масалаларини тадқиқ қилиш, шунингдек валюта операциялари моҳиятини белгиловчи асосий иқтисодий категорияларнинг моҳиятини очиб бериш, банк валюта опеарцияларини мамлакат ташқи иқтисодий ривожига хизмат қилишини таъминлаш учун услубий асосларини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май қуни қабул қилинган “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида, “банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўқсиналик қилаётган қатор тизимли муаммолар” мавжудлиги кўрсатиб ўтилди [1].

Шунингдек, 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Стратегияда Банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш, Банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш белгиланган. Банк хизматларини ривожлантиришда ҳамда кредитлаш ҳажмини оширишда банк ресурсларини шакллантириш ҳамда валюта операцияларини такомиллаштириш лозим. Мавжуд муаммоларни тизимли тарзда ечиш учун шу борадаги ахборотларни халқаро стандартлар ва хорижий амалиётнинг ижобий тажрибалари даражасида шакллантириш зарурияти мавзуни кенг тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Валюта операциялари – валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон худудига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон

Республикасидан олиб чиқиш, жўнаташ ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялардир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистонлик бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражаси жуда паст бўлиб, улар валюта захираларининг асосий қисмини (90 фоиздан ортиғини) АҚШ долларидаги захиралар ташкил этади [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган эди[3]. 2017 йилда бошланган банк секторини ислоҳ қилишнинг фаол босқичи валюта бозорини либераллаштиришга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан валюта операцияларининг амалиётдаги мавжуд турлари қамраб олинди ҳамда қонунчиликдаги нормалар максимал даражада қисқартирилди[4].

Шунингдек, бугунги қунда кўплаб олимлар валюта операцияларининг моҳияти ва мазмунини чуқур таҳлил қилиб, ушбу йўналишда муҳим илмий ишланмаларни амалга оширганлар. Хусусан, B. Needles ва M. Powers томонидан ёзилган “Financial and Managerial Accounting” асарини қайд этиш мумкин [5]. Ушбу китобда молиявий ҳисоб тизимининг халқаро стандартлари, хусусан, валюта операциялари ҳисоби учун IFRS қоидаларининг қўлланилиши чуқур ёритилган. Улар валюта курсларининг ўзгариши билан боғлиқ рискларни камайтириш учун ҳисоб тизимларини модернизация қилиш зарурлигини таъкидлайди.

C. Nobes ва R. Parker ўзларининг “Comparative International Accounting” асарида халқаро молиявий ҳисоб тизимлари ўртасидаги фарқларни кўрсатиб ўтган. Уларнинг тадқиқотлари тижорат банкларининг валюта операцияларини бошқаришдаги мураккабликларни халқаро стандартларга мослаштириш орқали ҳал қилиш усулларини таклиф қиласди [6]. Банк фаолиятидаги ликвидлик масалаларига эътибор қаратган D. Diamond ва P. Dybvig валюта операциялари тижорат банкларининг молиявий барқарорлитини таъминлашда муҳим рол ўйнашини таъкидлаган. Улар банкларнинг операцияларни тўғри ҳисботга олиш орқали мижозлар ишончини ошириш усулларини ўргангандишини таъкидлайди [7].

Келтирилган фикр-мулоҳазаларга тўхталган ҳолда, таъкидлаш жоизки, валюта муносабатлари иқтисодиётнинг асосий ва мураккаб қисмларидан биридир. Валюта муносабатларининг ривожланишида иқтисодий етакчи мамлакатларнинг роли каттадир. Охирги ўн ийлилликда ўтиш давридаги ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам бу соҳада фаоллиги ошмоқда.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда мөъёрий-хуқуқий хужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳдил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усувлар билан бир қаторда тизимли таҳдил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усувларидан фойдаланилган.

Таҳдил ва натижалар

Тижорат банклари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, валюта операцияларини амалга ошириш ҳисобланади. Валюта операциялари, бир томондан, тижорат банки мижозларининг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг валюта захираларини валюта рискидан ҳимоя қилиш имконини берса, иккинчи томондан, тижорат банкларига даромад олиш имконини беради.

Тижорат банклари спрэд шаклида, яъни валюталарни сотиш курси билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида даромад оладилар. Бундан ташқари, хорижий валютадаги активларни қайта баҳолаш, мавжуд битимга қарама-қарши операцияларни амалга ошириш орқали ҳам тижорат банклари валюта операцияларидан даромад оладилар.



1-расм. Тижорат банклари валюта операцияларининг шаклланиши¹

¹ Бобакулов Т.И., Исаков Ж.Я., Абдуллаев У.А., Алимардонов И.М., Абраев Н.К. Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар. Дарслик, 2018.

Ҳозирги кунда барча мамлакатлар ташқи иқтисодий муносабатларини ривожлантириш ва шу билан биргаликда валюта муносабатларини мувофиқлаштириш, шакллантириш ва такомиллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати ва бошқа омиллар уларнинг валюта муносабатларини фаоллигини оширишга қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий интеграциясида ривожланишини таъминлашда валюта муносабатлари шакллантириш, жаҳон иқтисодига мос равища валюта сиёсатини юритишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда валюта муносабатини ривожлантириш, валюта операцияларини шакллантириш, валюта сиёсатининг муҳим вазифаси ҳисобланган валюта курси барқарорлитини, миллий валюта қадрини оширишни кўзда тутувчи илмий ишлар устида фаолият олиб борилмоқда.

Валюта муносабатлари валюта тизими қонун қоидалари асосида амал қиласди. Валюта тизими – миллий қонунчилик ёки халқаро келишувлар асосида валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш шаклидир [8].

Иқтисодий интеграцияларнинг такомиллашуви шароитида ривожланган мамлакатлар валюта тизими халқаро валюта муносабатларида муҳим рол ўйнайди.

Халқаро валюта тизими ва миллий валюта тизими ўзаро боғлиқдир. Халқаро валюта тизими халқаро валюта муносабатларини тартибга солувчи тизим ҳисобланади. Халқаро валюта тизими XIX асрда юзага келган бўлиб мамлакатлар иқтисодий ҳолати, жаҳон иқтисодиётининг ўзгариши натижасида турли босқичларни босиб ўтди. Жаҳон иқтисодиётидан, унинг таркибидағи ўзгаришлар, ривожланишлар Халқаро валюта тихимининг ҳам турлича принциплар ва ҳарактерларда амал қилишига, такомиллашиши ва ривожланишига сабаб бўлган. Ҳозирги Халқаро валюта тизимига тавсиф беришдан олдин унинг ривожланиш босқичларига тўхталиб ўтамиз.

Халқаро валюта тизими қуйидаги босқичларни босиб ўтган:

- 1.Париж валюта тизими ёки олтинстандарт валюта тизими
- 2.Геную валюта тизими ёки олтиндевиз валюта тизими
- 3.Бреттон-вудс валюта тизими ёки олтин-валюта (қатъий белгиланувчи валюта курси) тизими

4.Ямайка валюта тизими ёки эркин сузиб юрувчи валюта курси тизими

Олтин стандарти биметалл тизими тугаши билан юзага келди ва иккинчи Жаҳон уруши бошланиши давригача амал қиласди. Бу тизим даври саноат ва иқтисодиётнинг жадал ривожланиши даври деб ҳам аталади. Бунда олтин стандарти тизими ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий алоқалар, пул муомаласи, тўлов баланси, халқаро тўловларни шакллантирувчи, ривожланирувчи ва тартибга солувчи восита ролини бажаришда муҳим ўринни эгаллади.

Олтин стандарти тизимига 1821 йилда Англия банки томонидан асос солинган бўлиб, 1867 йил Парижда конференциясида давлатлараро келишув орқали ҳуқуқий расмийлаштирилди. Олтин стандарти тизимида олтин ягона жаҳон пули сифатида тан олинди.

1922 йил Генуяда ўтказилган Халқаро конференцияда иккинчи жаҳон валюта тизими – Геную валюта тизими юзага келди.

Олтин-девиз стандарти (Геную валюта тизими) инқирози натижасида валюта тизими ўз барқарорлигини йўқотди. Бунга қарамай валюта муносабатларининг барқарорлигини таъминлаш учун миллий валюта тизими асосида валюта блоклари ташкил қилинди.

Валюта блокларини мақсади етакчи мамлакатларнинг халқаро муносабатларда рақобатбардош ўринларни эгаллаш ва бу ўринни ушлаб туриш эди. Валюта блокларида блокка аъзо мамлакатлар валюта курслари гегемон мамлакат валютасига боғлиқ бўлган ва улар ўртасида тўловлар гегемон мамлакат валютасида амалга оширилган. Валюта резервлари эса гегемон мамлакатда сақланган, бошқа мамлакат валюталари гегемон мамлакатлар хазина векселлари ва давлат облигациялари билан таъминланган. Бу даврда фунт-стерлинг (1931 йил Буюк Британия), АҚШ доллари (1933 йил АҚШ), олтин валюта (1933-36 йиллар) блоклари ташкил қилинган. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу блоклар тарқалди ва Генуя валюта тизими инқирозга учради.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида янги валюта тизимини жорий қилиш зарурияти туғилди. Янги валюта тизими расмий равишда Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқаро молиявий конференциясида 1944 йил июнда ташкил қилинди (АҚШ, Бреттон-Вудс шахри). Шу вақтда кўп мамлакатларнинг иқтисоди иккинчи Жаҳон урушидан кейин инқирозга учраган эди.

Бу валюта тизимини тузишдан мақсад: инқирозга учраган мамлакатларда эркин халқаро савдони кенг миқёсида тиклаш; қатъий белгиланган курс асосида халқаро валюта муносабати барқарорлигини таъминлаш; ташқи тўлов балансини тартибга солишини таъминлаш учун мамлакатда иқтисодий ресурсларнинг барчасини ҳукумат ихтиёрига ўтказиши.

Бреттон-Вудс валюта тизимида АҚШ доллари етакчи валюта ҳисобланди. Бунга сабаб дунёдаги энг кўп олтин захираси (70% атрофида) АҚШда мавжуд бўлган. АҚШ доллари олtinga эркин алмашинадиган ва ўша пайтда курси 1 унция олтин 35 АҚШ доллари қилиб ўрнатилган.

Бреттон-Вудс валюта тизими 20-асрнинг 60 йилларига келиб инқирозга учрай бошлади. Бунга сабаб иқтисодиётнинг номунатосиблиги ва барқарор эмаслиги, инфляциянинг ўсиш сурати турли мамлакатларда турличалиги, тўлов баланси нобарқарорлиги ва бошқалар. Шундай қилиб олтин бирлиги баҳосига боғланган қатъий белгиланувчи валюта курси тизими ўз мавқейини йўқотди.

Замонавий ХВТга 1976 январда Кингстон (Ямайка)даги конференцияда асос солинди. Бу тизимнинг асоси эркин сузуб юрувчи алмашув курси ва кўп валютавий стандартдир. Замонавий валюта тизими жуда мураккабдир. Бунда етакчи мамлакатлар валюта курслари талаб ва таклиф асосида ўрнатилса, ривожланаётган мамлакатларининг кўпчилиги ўз валюта курсларини етакчи валюталарга (асосан АҚШ доллари ёки Еврода) нисбатан ўрнатишади. Баъзи мамлакатлар валюта курслари «валюталар савати»га нисбатан ўрнатилади.


Бу янги валюта тизимининг асосий мақсади қуидагилар ҳисобланади:

- 1.Мамлакатлардаги инфляция ўсиш суратларини бирхиллаштириш;
- 2.Мамлакатлар тўлов балансини барқарорлаштириш;

3. Марказий банклар томонидан мустақил равища ички пул-кредит сиёсатини юритиш.

Янги халқаро валюта тизимиға мувоғиқ барча мамлакатлар ўз миллий валюта тизимларини шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда.

Ўзбекистонга 2024 йилда келиб тушган пул ўтказмалари ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ёки 3,4 млрд долларга кўпайиб, 14,8 млрд долларни ташкил қилган. Маблағларнинг 77 фоизи Россиядан (11,5 млрд долл) келиб тушган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 29 фоизга ошган. Мазкур трансферларнинг қолган қисми Қозоғистон (795 млн долл), АҚШ (577 млн долл), Жанубий Корея (534 млн долл), Туркия (405 млн долл), Буюк Британия (135 млн долл) ва бошқа мамлакатлардан ўтказилган.



2-расм. 2023-2024 йилларда келиб тушган пул ўтказмалар динамикаси², млн. долл

Ўзбекистонга 2024 йилда келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг 2023 йилга нисбатан ўсиши меҳнат миграцияси йўналишида кузатилган ижобий тенденциялар, хусусан мигрантларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий фаоллик, ишчи кучига талаб ва иш ҳақларининг ошиши хамда миграция географияси таркибида юқори даромадли мамлакатлар улушкининг ортиши билан изоҳланади.

Шунингдек, мазкур маблағларнинг ойлар кесими бўйича таҳлилига кўра, 2024 йилда ўтказмалар динамикасининг шаклланишига меҳнат миграцияси билан боғлиқ мавсумийлик омили билан бирга меҳнат муҳожирлари фаолият юритадиган анъанавий мамлакатларда миллий валюта курсидаги тебранишлар ҳам таъсир кўрсатган.

² <https://cbu.uz/> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, валюта операциялари минтақа ва глобал иқтисод системасига интеграцияланишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу операциялар орқали тижорат банклари хорижий инвесторларни жалб қилиш, экспорт-импорт муносабатларини рағбатлантириш ва мижозларга рақобатбардош хизматлар таклиф этиш имконига эга бўладилар.

Валюта операциялари билан боғлиқ бўлган рисолар, масалан, валюта курсининг ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг бузилиши каби ҳолатлар тижорат банклари учун мураккаблик туғдириши мумкин. Шунинг учун банклар рискини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиши лозим.

Тижорат банклари валюталари операцияларни амалга оширишда давлат органлари томонидан белтиланган қоидалар ва талабларга риоя қилиши шарт. Бу регуляция фаолиятнинг шаффофлитини таъминлаш ҳамда бозордаги барқарорликни сақлаш учун муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
2. Бобақулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири.
5. Needles, B. E., & Powers, M. (2007). Financial and Managerial Accounting. Houghton Mifflin Company.
6. Nobes, C., & Parker, R. (2020). Comparative International Accounting. Pearson Education Limited.
7. Diamond, D., & Dybvig, P. (1983). Bank Runs, Deposit Insurance, and Liquidity. Journal of Political Economy, 91(3), 401-419.
8. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / Под ред. Красавина Л.Н. – Москва: Финансы и статистика, 2005. – с. 27.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

